МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

1996 йилдан чиқа бошлаган ✸ 2013 йил 6 апрель. Шанба №29 (889) ✸ www.mahallagzt.uz ✸ info@mahallagzt.uz



## ЮРТИНГ ОБОД — ДИЛИНГ ОБОД

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

*Келажагимиз эгалари, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларни жисмонан соғлом, маънан етук инсонлар этиб вояга етказишда «оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлиги доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар муҳим ўрин тутади. Бўлимимиз томонидан ўтган ва жорий йилнинг ортда қолган даври мобайнида бир қанча ибратли ишлар амалга оширилди.*

*Хусусан, таълим муассасаларида «Бола тарбияси — келажак меваси», «Илм ол — ҳунар ўрган», «Танлаган касбинг — сенинг келажагинг» ҳамда «Етук мутахассис — тараққиёт омили» мавзуларида ота-оналар иштирокида мажлислар ўтказилди.*

*«Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлиги жамоат кенгаши томонидан муассасалардаги таълим-тарбия савиясини ўрганиш юзасидан ўтган йили 2 мингга яқин тадбир ташкил этилганди.*

*Ўқувчиларнинг давоматини яхшилаш, дарс қолдирадиган ўқувчилар, уларнинг ота-оналари билан олиб бориладиган тушунтириш ишларига алоҳида эътибор қаратилди.*

*Таълим тизимидаги ислоҳотлар ҳақида ота-оналарга кенгроқ маълумот бериш мақсадида вилоятдаги 900 га яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида «Ота-оналар университети» ташкил этилди.*

*Маҳаллаларда намунали оилалар вакиллари иштирокида «Оила — муқаддас тушунча», «Оилавий анъана ва қадриятлар», «Ота-она — оила таянчи», «Оилада шарқона садоқат» мавзуларида йил давомида 10 мингга яқин тарғибот тадбири ўтказилди. Мазкур тадбирларга 350 минг нафардан зиёд аҳоли жалб этилди.*

*Хусусан, ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва уларни қизиқишлари бўйича касб-ҳунарга йўналтириш, спорт мусобақаларига жалб этиш учун Юқори Чирчиқ туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида маҳаллалараро спорт мусобақаси уюштирилди.*

*«Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам» шиори остида ўтказилган «Маҳаллам тарихини ўрганаман» кўрик-танловининг Республика босқичида Чирчиқ шаҳри Аҳмад Яссавий номидаги маҳалла жамоасининг 1-ўринни эгаллагани ҳам бу борада амалга оширган ишларимизнинг самарасидир.*

Зулхумор ЖЎРАЕВА,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент вилояти бўлими бошқаруви бош мутахассиси.

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 5 апрель куни Оқсаройда МДҲ Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги мажлисида қатнашиш учун мамлакатимизга келган Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавровни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон томони мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик ҳамкорлик ва иттифоқчилик муносабатларининг бугунги даражасини юксак қадрлашини таъкидлади. Бу турли соҳаларда ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик учун мавжуд катта салоҳиятни изчил амалга ошириш имконини бермоқда.

Сергей Лавров давлатимиз раҳбарига Президент Владимир Путиннинг дўстона тилакларини изҳор қилиб, Россия раҳбарияти мамлакатларимиз ва халқларимизнинг узоқ муддатли манфаатларига мос кенг кўламли ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон билан мавжуд мулоқотларни қўллаб-қувватлаш ва изчил давом эттиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Суҳбат чоғида томонлар Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликнинг муҳим масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Томонлар 2012 йилнинг июнь ойида Тошкент шаҳрида икки давлат раҳбарлари имзолаган Стратегик шерикликни чуқурлаштириш тўғрисидаги декларацияда баён этилган келишувларга қатъий амал қилиниши таъкидланди. Ушбу ҳужжатда ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг истиқболдаги устувор йўналишлари белгилаб берилган.

Учрашувда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасидаги ҳамкорлик масалалари ҳам муҳокама қилинди. Ўзбекистонда МДҲга ушбу ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликнинг кенг кўламли муҳим масалалари юзасидан очиқлик ва ўзаро ишонч руҳида фикр алмашув учун ноёб платформа сифатида қаралади. Шу маънода Тошкент шаҳрида Ҳамдўстликнинг энг муҳим институтларидан бири — Ташқи ишлар вазирлари кенгаши мажлисининг муваффақиятли ўтказилиши кенг кўламли алоқаларни изчил ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Томонлар Ўзбекистон ва Россия манфаатларига доир минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

ЎзА.

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 5 апрель куни Оқсаройда Халқаро оғир атлетика федерацияси президенти, Халқаро олимпия қўмитаси аъзоси Томаш Аянни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Халқаро оғир атлетика федерацияси ва шахсан Томаш Аяннинг жаҳон миқёсида спортнинг оғир атлетика каби кенг тарқалган турини, шунингдек, Олимпия ҳаракатини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва хизматларини юксак баҳолади.

Халқаро оғир атлетика федерацияси раҳбарининг Ўзбекистонга ушбу ташрифи оғир атлетика бўйича ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионати доирасида кечмоқда. Мазкур халқаро спорт форуми 2013 йилда Халқаро федерация шафелигида ўтказиладиган энг нуфузли мусобақалардан биридир. Беллашувларда спортчилар Хитойда бўлиб ўтадиган «Нанкин — 2014» Ўсмирлар олимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берадиган лицензияларни қўлга киритиш учун курашади.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистонда оғир атлетикани ривожлантириш истиқболлари, мазкур нуфузли ташкилот билан самарали ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Томаш Аян бугунги кунда Ўзбекистонда оғир атлетика оммавий спорт турларидан бири эканини мамнуният билан таъкидлади. Буни Ўзбекистон спортчиларининг Осиё ва Олимпия ўйинларидаги, шунингдек, жаҳон чемпионатларидаги муваффақиятли иштироки яққол тасдиқлайди.

Ўзбекистонда маънавий ва жисмоний ривожланган ёш авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгилангани, жисмоний тарбия ва спорт эса таълим ва тарбия тизимининг узвий қисмига айлангани жаҳон жамоатчилигига яхши маълум.

Томаш Аян Ўзбекистон спортчиларининг кўплаб спорт турлари бўйича мусобақаларда эришган муваффақиятлари натижасида халқаро спорт майдонларида мамлакатимизнинг нуфузи ошиб бораётганига юксак баҳо берди. Ўзбекистонда ўсмирлар ўртасида оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионатига пухта тайёргарлик кўрилганини таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримов мазкур мусобақаларнинг муваффақиятли ўтишини, спортчиларга эса янги ғалабалар тилади.

ЎзА.

9 АПРЕЛЬ — СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

# АЗМУ ШИЖОАТ, МАРДЛИК ВА ДОНИШМАНДЛИК ТИМСОЛИ

**Катта шаҳарлар ҳам бир пайтлар кичик қишлоқ бўлган, деган гап бор. Зотан, ҳар бир шаҳар ва қишлоқнинг фақат ўзигагина ярашадиган, ўзигагина хос тарихини, афсонасини, эл ичра достонларини эшитиб турамиз. Ҳар қандай қишлоқ ва қўрғон номининг келиб чиқиши ва моҳиятини излаш ўзликни англаш, улуғ аждодларимизга тобора яқинлашиш, демакдир.**

**Бу масалани Соҳибқирон бобомиз сиймосисиз тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, муҳтарам Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида таъкидланганидек: «Соҳибқирон Амир Темур ҳақида алоҳида тўхталишимиз табиийдир. Чунки тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдирди, илму фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очди».**




Соҳибқирон Амир Темур номи билан боғлиқ жой номлари фақат мамлакатимиз ҳудудида эмас, балки қарийб дунёнинг учдан бири — буюк салтанатнинг барча жойларидаги қалъаю қўрғонлар, дарёлар, улкан бунёдкорлик ишлари билан бирга ёдга олинади. Эътибор қилсак, уларнинг барчаси, албатта, географик ҳолати, жуғрофий тузилиши, халқининг этник келиб чиқиши билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам жой номлари маълум маънода Ватанимиз тарихини тадқиқ этиш, унутилган қадриятларимизни қайта тиклаш ва маданий анъаналарни эъзозлашдек улуғвор мақсадлар билан бевосита боғлиқдир.

Бу улуғ сиймо ҳақида сўз юритганда, тарихий манбалардаги қадимги Кеш яқинида, деб қайд этилган бугунги Яккабоғ тумани ҳудудида жойлашган Хожа Илғор қишлоғи ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз.

> [3]

МАҲАЛЛАМИЗ ЧЕМПИОНЛАРИ

# БАРЧИНОЙЛАР — ФАХРИМИЗ, СУЯНЧИМИЗ

**Президентимиз жорий йилнинг 15 март куни Оқсаройда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишидаги маърузасида «...болалар ва ёшларнинг спорт билан оммавий равишда шуғулланиши уларнинг характерини тоблайди, кучли, мард ва жасур бўлиб камол топишига хизмат қилади, қатъиятли, ҳаёт синовлари ва қийинчиликларини мардона енгиб ўтишга қодир инсонлар қилиб тарбиялайди. Спорт билан шуғулланиш фарзандларимизнинг феъл-атвори ва турмуш тарзини ижобий томонга ўзгартиради», дея алоҳида таъкидладилар.**

Дарҳақиқат, ана шу олижаноб мақсадларни кўзлаб мустақил диёримизда болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, қишлоқ ёшлари орасидан кўплаб чемпионлар етишиб чиқаётир.

Кураш улкан мазмун-моҳиятга эга. Бу сўзни айтишга фақат мардлар ҳақли, чунки кураш мардларни қўллайди, ҳалолликни ёқтиради. Ўзига ишонган, ори осмон, ғурури уммон инсонларгина белига белбоғ боғлаб даврага тушадилар, куч синашадилар. Курашда ғирромлик кетмайди, унда натижа эл олдида ошкор бўлади, гувоҳлар кўз ўнгида оқ-қора ажралади. Кураш дегани бу шонингни олдирма, орингни эгасиз қолдирма, дегани. Курашда миллий ғурур мужассам. Шу боис ҳар ким «Курашаман!» деб майдонга тушолмайди, фақат чинакам мардлар, ҳақиқий ботирлар курашга чоғланадилар.

Мен Мафтуна билан суҳбатлаша туриб шундай хулосага келдим. Қаршимдаги инсон, гарчи навниҳол қиз бўлсада, унинг қатъияти, кўзларидаги ишонч, шижоатдан уқдим буларни.

> [4]

ИСЛОҲОТ САМАРАЛАРИ

# ҲАЁТИМИЗ ТЎКИСЛИГИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА




Ангрен шаҳридаги «Жигаристон» маҳалласида умргузаронлик қилаётган кишилар ишнинг кўзини биладиган, тадбирли, меҳнаткаш ва интилувчанлиги билан ажралиб турадилар. Қурама ва Чотқол тоғ тизмалари бағридаги жаннатмонанд ҳудуд аҳли асло тиниб-тинчимайди: бекорчиларни бу ерда учратмайсиз. Ҳунармандчилик, чорвачилик ва боғдорчилик улар учун бобомерос касблардир.

Йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Меҳринисо Бобораҳимова нафақат шаҳар, балки вилоятда ҳам иш тажрибаси эътирофга сазовор бўлаётган мутахассислардан. У маънавий муҳит барқарорлиги, оилалар тинчлигию турмуш фаровонлигини аҳоли бандлиги таъминлангани билан боғлиқ, деб ҳисоблайди. Чунки турли ножўя хатти-ҳаракатлар айнан бекорчиликдан, фарзандларни вақтида меҳнатга ўргатмаганликдан келиб чиқади. Шу боис опа ҳудудда аҳоли, айниқса, аёллар ва касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик, оилавий бизнес ва касаначиликка йўналтириш борасида тинимсиз изланади.

> [2]

# МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

**Тошкент шаҳрида 5 апрель куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

Ҳамдўстликка аъзо давлатлар ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари халқаро сиёсат соҳасидаги ўзаро ҳамкорликка доир кўплаб масалаларни муҳокама қилдилар. Мажлисда гуманитар соҳада, хавфсизликни таъминлаш ҳамда ҳамкорликнинг бошқа йўналишларида давлатлараро ҳамкорликни ривожлантиришга доир қатор ҳужжатлар лойиҳалари кўриб чиқилди.

Ташқи ишлар вазирлари Ҳамдўстлик доирасида 2012 йилдаги ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасидаги кўп қиррали маслаҳатлашувлар режасининг ижроси масаласини кўриб чиқдилар ва 2013 йил учун мўлжалланган ана шундай режани тасдиқладилар. МДҲга аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирликлари консуллик хизматлари раҳбарлари маслаҳат кенгаши тўғрисидаги низом лойиҳаси ҳам тасдиқланди.

Мажлис иштирокчилари МДҲ давлатларининг олий ва олий касб-ҳунар таълими тўғрисидаги ҳужжатларини ўзаро тан олиш тўғрисидаги битим, МДҲ давлатларининг 2020 йилгача бўлган даврда Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш бўйича 2013-2015 йилларга мўлжалланган тадбирлар режаси, 1997 йил 17 январда қабул қилинган МДҲ ҳудудида ягона (умумий) таълим маконини шакллантиришга оид ҳамкорлик ҳақидаги келишувга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги протокол, МДҲ давлатларининг таълим соҳасидаги ҳамкорлиги бўйича 2013-2015 йилларга мўлжалланган асосий тадбирлар режаси лойиҳаларини муҳокама қилдилар.

Мажлисда, шунингдек, Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш борасидаги МДҲ давлатларининг ҳамкорлик концепцияси, Ҳамдўстлик давлатлари ташқи чегараларида чегара хавфсизлигига таҳдидларни тезкорлик билан бартараф этиш учун чегара идоралари мутахассислари (экспертлари) қўшма гуруҳини шакллантириш ва қўллаш тартиби тўғрисидаги битим лойиҳалари кўриб чиқилди. МДҲга аъзо давлатларнинг солиқ (молиявий) текширув органлари раҳбарларининг мувофиқлаштирувчи кенгаши тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш масалалари муҳокама қилинди.

Муҳокамалар давомида билдирилган таклифлар ва мулоҳазалар инобатга олинган ҳолда кўриб чиқилган ҳужжатлар лойиҳалари МДҲ Давлат раҳбарлари ва Ҳукумат раҳбарлари кенгашларига кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

ЎзА.

ЭЪТИРОФ

# «ЗАВҚЛИ ВА УНУТИЛМАС ТААССУРОТДАМИЗ...»

**Истиқлол юртимизда сайёҳлик ривожига кенг йўл очди. Шу боис қадимий ва ҳамиша навқирон Хивага дунёнинг барча давлатларидан сайёҳлар ташрифи йилдан-йилга ортиб бормоқда.**



*Улар ота-боболаримиз бунёд этган бебаҳо мерос — сержило, мафтункор обидаларни томоша қилиш билан бирга, халқимиз ҳаёти билан танишиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқдалар.*

*Қуйида Хоразм воҳасига ташриф буюрган сайёҳларнинг фикрлари билан танишасиз.*

> [2]

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# ВАКОЛАТ МАСЪУЛИЯТНИ КУЧАЙТИРАДИ

**«Депутат билан учрашув бўларкан...»**

**Бу хабар бирпасда бутун қишлоққа ёйилди. Ширин момо қўшни қишлоқда яшайдиган қизиникига меҳмонга отланаётган эди, хабарни эшитгач, сафарини бошқа кунга қолдирди.**

Депутатга айтадиган гаплари бор, аввало, миннатдорлигини билдириши керак. Чунки депутатнинг саъй-ҳаракатлари билан уларнинг неча йиллик орзулари ушалди: қишлоққа тоза ичимлик суви келди...

Сайлов пайти ҳам шу муаммо ўртага ташланиб, номзоднинг ваъдаси олинган эди. Кейинги учрашувларда ҳам бу масала бир неча марта айтилди. Хайрият, мурожаатлари эътиборсиз қолмади.

Шу куни «Пахтаобод» маҳалла фуқаролар йиғини биносига одам сиғмай кетди. Нишон тумани ҳокими, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Мухтор Ҳайитмуродов, Олий Мажлис Сенати аъзоси Майна Қурбонова, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Гулсум Хуррамова сайловчилар билан учрашиб, уларнинг ташвишлари, муаммолари билан қизиқдилар. Кимдир болалар спорт майдончаси кераклигини айтди. Бошқа биров кўчани асфальтлашга ёрдам беришни илтимос қилди. Биров имтиёзли кредит ололмаётгани ҳақида гапирди.

Ширин момо ҳам юрагидагини тўкиб солди. Ерлар шўрланиб кетаётганини, аҳвол шу тарзда давом этса, эртага ер кўзланган ҳосилни бермай қўйиши мумкинлигини айтди. Бу масала кўпчиликнинг дилидаги гап эди. Албатта, ичимлик суви учун қишлоқ аҳли номидан раҳмат дейишни ҳам момо унутмади.

Ер ости сизот сувлари ҳақидаги фикр муҳокамага туртки бўлди. Эртаси куниёқ Пахтаобод қишлоғи ҳамда Пахтазор қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудларида экскаваторлар иш бошлади: зовурлар тозаланиб, сизот сувларни қочириш, ерларнинг унумдорлигини ошириш, қайта тиклаш ишлари жадал давом этди.

Янги Нишон шаҳридаги «Байналмилал», «Пахтакор», «Навбаҳор» ҳамда Улуғбек номидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолиси билан ҳам худди шундай учрашувлар ўтказилди. Қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлган йиғилишда табиий газ ва электр энергияси таъминотидаги узилишлар, қарздорлик масалалари муҳокама этилди. «Байналмилал» маҳалласи аҳолиси канализация кўпдан буён ишламаслигини, ушбу муаммога ечимини топишда ёрдам беришларини депутатлардан илтимос қилди. Албатта, бу мурожаат эътиборсиз қолмади.

Халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгашлари депутатларининг аҳоли билан доимий учрашувлари ташкил этилиб, сайловчиларга ҳисоботлар бериб боришлари уларга ҳудудлар ҳаёти билан яқиндан танишиш имконини ҳам бермоқда. Фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда олиб борилган ишлар натижасида маҳаллалар янада обод, аҳолининг турмуш тарзи эса фаровонлашмоқда. Албатта, аҳолини иш билан таъминлаш ва янги иш ўринлари ташкил этишда ҳам халқ депутатлари туман кенгашларининг ҳиссаси катта бўляпти. Айниқса, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласи алоҳида эътиборга олинган. 21-Нурхона сайлов округидан халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашига сайланган депутат Бахтиёр Шарипов бу борада жонбозлик кўрсатмоқда. Сайлов жараёнларида Талимаржон иссиқлик электр станцияси унитар корхонаси директори Бахтиёр Шариповни сайловчилар катта ишонч ва умид билан бир овоздан маъқуллашган эди. Бугун депутатнинг элга нафи тегяпти: у Нуристон шаҳарчасида жойлашган Саноат энергетика касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга жойлаштиришга бел боғлаган.

2-Усмон Юсупов сайлов округидан халқ депутатлари туман Кенгашига сайланган депутат Шермат Узоқов эса, Усмон Юсупов муқобил машина-трактор парки маслаҳат кенгаши раиси сифатида фаолият юритади. У «Юксалиш» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган Агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллежи битирувчиларини фермер хўжаликларига ишга жойлаштиришда жонбозлик кўрсатди.

Халқ депутатлари Нишон тумани сессияларида ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти доимий равишда муҳокама қилиб борилади.

— 2013 йилда ҳам доимий комиссияларда кўрилиши лозим бўлган муҳим масалалар белгиланди, — дейди Фонднинг Нишон тумани бўлинмаси раиси Араббой Қобилов. — Улар орасида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 10-моддаси ижроси маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларида бажарилиши, маҳаллаларда ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ таъминотининг аҳволи ҳамда аҳоли томонидан коммунал тўловларнинг амалга оширилиши, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва кўпболали, эҳтиёжманд оилаларга нафақалар тайинлаш масалаларининг ҳал этилиши, оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ажратиладиган маблағлардан ўз ўрнида ва самарали фойдаланиш масалалари кўриб чиқилиши кўзда тутилган.

Бундай ҳамкорлик фуқаролар йиғинлари фаолиятини янада яхшилаш, аҳоли фаровонлигини ошириш ҳудудларнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Санобар БОЙМУРОДОВА
«Mahalla»

ИСЛОҲОТ САМАРАЛАРИ

# ХАЁТИМИЗ ТЎКИСЛИГИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

< [1]

— Маҳалладошларимизнинг деярли барчаси муқим иш жойига эга, — дейди М.Бобораҳимова. — Бу борада ижобий кўрсаткичга эгалигимизга ҳудудда «Ўзбеккўмир» ОАЖнинг фаолият юритаётгани бош омил, албатта. Аҳолининг қарийб 95 фоизи мазкур корхонада меҳнат қилади. Бундан ташқари, қайси оиланинг қай бир бизнес турини юритишга имконияти борлигини ўрганиб, доимий тарзда аҳоли ўртасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича тушунтириш ишларини олиб борамиз. Бунда оиланинг барча аъзолари фойдали меҳнатга жалб қилинади, айниқса, ёшлар меҳнатга ўрганиб вояга етади.

Маҳалладошларимиз чорвага ўзгача ихлос қўйган. Улар орасида «минг қўйли бойлар» талайгина. Биргина гилос етиштириб, ҳар йили миллион-миллион сўм қўшимча даромад топаётган кишиларнинг соҳибкорлигидан дилим яйрайди. Президентимизнинг яқинда халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида: «...ҳар қайси оиладаги фаровонлик, одамларнинг ҳаётга бўлган муносабати, жамиятимизнинг ижтимоий барқарорлиги аввало аҳолининг иш билан қандай таъминланганига, уларнинг иши қандай ташкил этилганига, ўз меҳнатига муносиб даромад топишига чамбарчас боғлиқ», деб алоҳида таъкидлаганларини тинглаб, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларимизни ҳали янада кучайтиришимиз, эътибор қаратишимиз лозим бўлган жиҳатлар хусусида чуқур ўйлаб кўришимиз кераклигини англадим.

М.Бобораҳимова ёшларни она-Ватанга меҳр-муҳаббатли қилиб тарбиялаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали улар қалбида ҳудуд тараққиётига дахлдорлик ҳиссини кучайтириш йўлида ҳамкор ташкилотлар билан бирга барча таъсирчан воситаларни ишга солиб келаётир. Тадбиркорликка иштиёқманд коллеж битирувчиларига кредит олишга ёрдам бермоқда. Унинг кўмагида яқинда коллеж битирувчиларидан бири ошхона фаолиятини йўлга қўяётир. Натижада янги иш ўринлари очилмоқда.

Шу маҳаллада истиқомат қиладиган Ашурали Мирзаматов боғдорчилик, чорвачилик билан шуғулланади. Ҳалол меҳнатидан топаётган даромади эвазига турмуши фаровон, дастурхони тўкин. Маҳалладаги кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларнинг коммунал тўловларини тўлашга ёрдам бериб келади. Шунингдек, соҳибкор Хайрулла Юнусов, тадбиркор Назокат Солиева ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин.

«Жигаристон» маҳалла фуқаролар йиғинининг нафақат аҳоли бандлиги, балки барча соҳаларда амалга ошираётган ишлари бошқа маҳаллалар учун ибрат бўлгулик. М.Бобораҳимова бу ютуқлар замирида йиғин раиси Ўрозали Раковнинг ёш бўлса-да одамларни жипслаштира олиши, ҳамма билан тил топиб муомала қилиши, тинимсиз изланиши мужассамлигини айтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ангрен» махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида»ги Фармони жигаристонликларга ҳам ўзгача қувонч бахш этди. Улар улкан ўзгаришлар, янгиланишларга гувоҳ бўлишяпти. Чунки «Ангрен» махсус индустриал зонасининг барпо этилиши рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий, юксак технологияли ишлаб чиқариш объектларини ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитларни шакллантириш, шунингдек, Тошкент вилоятининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш, янги иш жойларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадларига хизмат қилиши билан ниҳоятда муҳимдир.

Буюк ипак йўли бўйида жойлашган Оҳангарон водийси азалдан турфа ер ости қазилмаларига бойлиги билан ажралиб турган. Фармон асосида бу ерда яна бир қатор корхоналар фаолият бошлайди, шаҳар янада обод бўлади. Гарчи кейинги йилларда Ангренда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётган бўлса-да, мазкур фармон асосида инвестициялар учун яратиб берилаётган узоқ муддатли имтиёзлар тез орада шаҳарни республикамизнинг саноати ривожланган етакчи ҳудудларидан бирига айлантириши шубҳасиз. Бу эса, жигаристонликларнинг янада улкан орзу-мақсадлар, ёруғ келажакка юксак ишонч билан она-Ватан равнақига муносиб ҳисса қўшишларида қўш қанот бўлади.

Феруза ЭГАМОВА
«Mahalla»

ЭЪТИРОФ

# «ЗАВҚЛИ ВА УНУТИЛМАС ТААССУРОТДАМИЗ...»

< [1]

— Бир гуруҳ сафардош дўстларим билан Наврўз аталмиш ўзбекона айём қувончларидан баҳраманд бўлдик, — дейди Деҳли шаҳридан келган сайёҳ Пранар Бансак. — Бизда ҳам байрамлар кўп. Аммо ўзбек халқининг бу байрами менда ва дўстларимда катта таассуротлар қолдирди. Фусункор майдон узра қуёш ҳам гўё кўкдан қутлаб, заррин нурларини сочиши, баҳорнинг хуш насими, байрам саҳнасига жажжи болажонларнинг шўх-шодон кириб келишлари, санъаткорларнинг дилтортар куй-қўшиқларини кўриб, тинглаб беихтиёр қалбимиз жозибали ҳис-туйғуларга тўлди. Рақqосаларга тақлид қилиб биз ҳам «Хоразм лазгиси»га ўйнадик. Ўзбекистонда ўтказган бу лаҳзаларни умрбод унутмаймиз.

— Бу йилги ташрифим айни ўзбек халқининг ажойиб байрами Наврўз шодиёналарига тўғри келди, — дейди Руминиянинг «Петре экспресс-генерал» фирмаси директори Петре Балас. — Қадим Хиванинг Ичонқалъаси байрамона либосга бурканганн, атрофдаги гўзаллик, орасталик, одамларнинг чеҳраларидаги шодонлик, самимийлик, бир-бирларини дўстона қутлашлари бизнинг ҳам кайфиятимизни кўтариб юборди. «Ичонқалъа» маҳалласида ажойиб удум — сумалак сайли янада завқли ва унутилмас таассурот қолдирди. Бизни ҳам бу шифобахш таомдан тановул қилишга таклиф этишди. Дастурхондаги баҳорий таомлардан татиб, ўзбек халқининг меҳмондўстлигига яна бир бор гувоҳ бўлдик.

— Юртингизда бой маданий мерос, урф-одат ва тарихий обидалар кўз қорачиғидек асраб-авайланаётгани, уларга ёндош замонавий иншоотлар барпо этилаётгани, маҳаллалар қиёфаси, улардаги қайноқ ҳаёт ҳавасимизни келтирди, — дейди Ҳиндистоннинг Жамнагар шаҳридан ташриф буюрган яна бир сайёҳ Микеш Васса. — Кўҳна Аркда ўтган байрам саҳнаси тўридаги улкан мониторда Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, қад ростлаган салобатли ва гўзал иншоотлар, коллежлар, мактаблар, шифохоналар, замонавий ҳовли-жойлар, спорт иншоотлари, боғлар, гулзорлар, халқингизнинг жўшқин ва фаровон ҳаётининг намойиш этилганини кўриб, қадим қадриятлар катта-кичикка қувонч, келажакка ишонч туйғулари уйғотаётганига гувоҳ бўлдик.

Сайёҳларнинг бундай эътибор ва эътирофлари мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида узоқни кўзлаб олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳар жабҳада ўз самарасини бераётганининг ёрқин ифодасидир.

Абдулла САФОЕВ
«Mahalla»

ДАВРА СУҲБАТИ

# ҲАМКОРЛИКДАН БИРДЕК МАНФААТДОР




Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

**Мустақиллик йилларида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилди.**

Бугунги кунда ҳар бир ташкилот фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликдан бирдай манфаатдордир.

Пойтахтимизнинг Учтепа тумани «Кўкча Оқтепа» маҳалла фуқаролар йиғинида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри туман ва шаҳарлари бўлимлари бошлиқлари иштирокида ўтган давра суҳбатида ушбу фикрлар алоҳида таъкидланди.

Тадбирда «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамда Учтепа тумани бўлинмаси раҳбар ва масъул ходимлари, тумандаги маҳалла фаоллари, йиғин қошидаги жамоатчилик комиссиялари раислари иштирок этдилар.

— Бугунги давра суҳбатини ташкиллаштиришдан мақсад фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини оширишда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиб, йиғинлар фаолиятидан уларни хабардор этишдир, — дейди «Кўкча Оқтепа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Собитжон Имомов. — Қолаверса, Обод турмуш йилида фуқаролар йиғинлари томонидан аҳоли турмушини янада фаровон этиш, ҳудудлар орасталигини таъминлашдаги устувор вазифалар ҳам муҳокама этилди. Тизимда меҳнат қилаётган ҳар бир иштирокчи бу борада ўзининг фикр ва мулоҳазаларини билдирди.

Дарҳақиқат, маҳалла тизимида ишлаётган кишилар аҳолининг кайфиятидан тўла хабардор, уларнинг талаб ва истакларини бошқалардан кўра яхши биладилар.

— Давра суҳбатида иштирок этиб, маҳалланинг ваколатлари тобора ортиб бораётганига ва уларга давлатимиз томонидан яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлардан тўла хабардор бўлдим, — дейди Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВЖЖДЛҚКнинг Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани бўлими бошлиғи Ниятбой Исматуллаев. — Тошкент шаҳридаги намунали маҳаллаларда олиб борилаётган ишларни туманимиз маҳалла мутасаддилари билан кенгашган ҳолда йиғинларимизда қўллаш ниятидамиз.

Фонднинг Тошкент шаҳар бўлими мутасаддилари давра суҳбати қатнашчиларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий ҳимояга оид 2012 йил 12 декабрдаги «Ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2013 йил 15 февралдаги «Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорларининг мазмун-моҳияти ҳамда тизимга оид янги ҳуқуқий меъёрларни атрофлича тушунтирдилар.

Тадбир сўнгида иштирокчиларнинг йиғинлар ҳаётига доир саволларига мутахассислар атрофлича жавоб бердилар.

Ризвоной НИЗОМОВА,
ЎзДЖТУ талабаси.

ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИД

# ЮКСАК БИЛИМ, ТАЖРИБА ВА КАСБ МАЛАКАСИ

## йиғин мутасаддиларининг доимий эътиборида бўлмоғи зарур

**Истиқлол туфайли қайта тикланиб, ўзининг ҳуқуқ ва ваколатларига эга бўлган ноёб бошқарув тизими — маҳалла институти мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ислоҳотларнинг фаол иштирокчиси сифатида самарали фаолият юритмоқда.**

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ҳамда унинг ҳудудий тузилмалари томонидан фуқаролар йиғинларига қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларини амалга оширишда услубий ва амалий кўмак бериб келинмоқда. Айни пайтда ушбу вазифаларни самарали бажариш ҳар бир ходимдан юксак билим ва малака талаб этади.

Бугунги кунда Сирдарё вилоятида 352 та фуқаролар йиғинида раис, масъул котиб, йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси ва «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбари фаолият юритиб келмоқда. Уларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий-маърифий билимларини янада ошириш мақсадида Фонд республика бошқаруви ҳамда Сирдарё вилояти бўлими томонидан ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда. Машғулотларга малакали мутахассислар, ҳуқуқшунослар, экспертларнинг жалб этилгани маҳалла мутасаддиларининг тизимдаги ўзгариш ва янгиликлардан хабардор бўлиб боришини таъминламоқда.

Ўтган йили фуқаролар йиғини раиси, масъул котиби, йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси ҳамда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбарларининг билим ҳамда малакасини ошириш мақсадида ўқув-семинар машғулотлари ўтказилди. Тўрт кун давом этган машғулотларда фуқаролар йиғинлари мутасаддиларининг иштироки талаб даражасида бўлмагани ачинарли ҳолдир. Улар томонидан етарли билимга эга бўлмаслик эса, фаолиятида қонун ҳужжатларида белгиланган асосий вазифалар ижросини таъминлашда бир қатор камчиликларга йўл қўйилишига сабаб бўлмоқда.

Хусусан, Сайхунобод туманидаги «Гулбулоқ» маҳалласи раиси Дўстмурод Отамуродов 25 млн. 773 минг сўм маблағни ўз эгаларига эмас, аксинча мўмай даромад эвазига ноўрин тақсимлагани учун жиноий жавобгарликка тортилган. Фуқаролар йиғинлари мутасаддилари ўқув-семинарларида фаол иштирок этиб, малакали мутахассисларнинг қимматли тавсия ва йўл-йўриқларини тинглаганида, балки бундай номаъқулчиликларга қўл урмасмиди?!

— Ўқув-семинарларда иштирок этмаган йиғин мутасаддилари ўзлари учун зарур йўл-йўриқ ва қимматли тавсиялардан бебаҳра қолгани бор гап, — дейди Фонднинг Сирдарё вилояти бўлими масъул котиби Алишер Икматов. — Қолаверса, бўлимимиз томонидан ҳам ушбу ўқув-семинарлар уюшқоқлик билан ташкил этилмади, дейишга асос етарли.

Дарҳақиқат, Фонднинг Сирдарё вилоят бўлими ва туман(шаҳар) бўлинмалари масъул ходимларининг лоқайдлиги сабабли машғулотлардан кутилган натижаларга эриша олмадик.

Ўқувларга панжа остидан қараб, уларда иштирок этмаган маҳалла раислари кейинчалик афсусланганига гувоҳ бўлдик. Мисол учун, Сирдарё тумани «Дўстлик» маҳалласи ҳудудида ўтган давр мобайнида 11 та, Оқолтин тумани «Зарафшон» маҳалласида эса 6 та, Ховос тумани «Гулбаҳор» маҳалласида 8 та, Янгиер шаҳри «Обод юрт» маҳалласида 21 та жиноят содир этилгани ва уларнинг аксариятида вояга етмаганларнинг ҳам қўли борлиги ташвишланарли ҳолдир.

Машғулотларда иштирок этган Оқолтин тумани Бобур номидаги ҳамда Мирзаобод туманидаги «Жувонсийрак» маҳаллаларида ўтган давр мобайнида ёшлар ўртасида жиноят содир этилмаган. Чунки йиғинлар раислари Р.Юсупов ва Н.Кашанов ўқувларда фаол иштирок этган ва ўрганган тажрибаларини ўз фаолиятларида қўллаб келган.

Машғулотлар давомида фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссиялар ишини самарали ташкил этиш, қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда давлат бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари билан ижтимоий шерикчилик муносабатларини такомиллаштириш, фуқаролар йиғинлари томонидан нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш тўғрисидаги масалаларни амалга ошириш тартиб-тамойиллари ҳақида сўз юритилди.

— Семинарларда хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳамда мазкур йўналишда фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларига услубий кўмаклашиш борасида зарур тавсиялар берилди, — дейди Фонднинг Гулистон шаҳар бўлинмаси бош мутахассиси Ҳалима Қувондиқова. — Афсуски, ўқувларда иштирок этмаган маҳалла мутасаддиларининг иш фаолиятида айнан шу жиҳатларнинг сустлиги яққол кўзга ташланиб қолди. Мисол учун, «Наврўз» маҳалласида миллий, диний урф-одатлар асосида тўй-ҳашамлар ва бошқа маросимларини ихчам ўтказишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишлари йўлга қўйилмаган. Йиғин фаоллари ўқувларда қатнашганида ўзлари учун зарур маълумотлардан хабардор бўлиб, уларни фаолиятларида қўллашарди.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Йиғин мутасаддиларига қулайлик яратиш мақсадида ўқув-семинарлари Фонднинг ҳар бир туман бўлинмасида ташкил этилди. Вилоят марказидан олис туманларга маъруза ўқиш учун мутахассислар етиб келса-ю, маҳалла мутасаддилари турли баҳоналарни рўкач қилиб машғулотларда қатнашмаса. Буни ҳеч қандай баҳона билан хаспўшлаб бўлмайди. Айниқса, вилоят марказига яқин Сардоба, Гулистон ва Сирдарё туманларидаги фуқаролар йиғинлари мутасаддиларининг аксарияти семинарларда иштирок этмаган. Ваҳоланки, бу туманлардаги йиғинларда ишлар ўлда-жўлда эканини 2012 йил якунларига оид бўлим ҳисоботида ҳам кўриш мумкин.

— Очиғи, тумандаги барча фуқаролар йиғинлари ходимларининг машғулотларда тўла иштирок этишини таъминлай олмадик, — дейди Фонднинг Сардоба тумани бўлинмаси раиси Абулқосим Эргашев. — Сабаби шу кунларда туманимизда қишлоқ хўжалик ишлари қизғин паллага кирганди.

Раиснинг бу гапларини важ ўрнида қабул қилиб бўлмайди. Чунки ўқув-семинарлар ўтган даврда ерга уруғ сепилмаган ёки ҳосил йиғиб-териб олинмаган. Қолаверса, бирор зарур юмуш чиққан тақдирда ҳам маҳалла фаоллари — йиғин қошидаги комиссияларнинг аъзоларидан илтимос қилиб туриш мумкин эди-ку.

Гулистон ва Сирдарё тумани бўлинмаларининг масъул котиблари ҳам шундай баҳоналар билан ўзларини оқлашга уринишди. Афсуски, уларда ўз ишига масъулият билан ёндашиш, ташкилотчилик ва ташаббус етишмайди.

— Машғулотларда иштирок этиб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини янада оширишга қаратилган дастурларнинг моҳиятини чуқур англаб олдик, — дейди Ховос тумани «Истиқлол» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хадича Ғофурова. — Бундай ўқув-семинарларда олган билимларим нафақат фаолиятимда, балки «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг вилоят ва республика босқичида иштирок этиш жараёнида ҳам қўл келди.

Ўқувларда иштирок этмаган маҳалла мутасаддилари билан суҳбатлашганимизда шу нарса аён бўлдики, улар фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самарадорлигини янада оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастури ҳақида тўлиқ тушунчага эга эмас экан. Демак, ушбу йиғин фаоллари Фонд ва унинг ҳудудий бўлими томонидан йил давомида амалга ошириладиган устувор вазифалар, қолаверса, маҳалла тизимига доир янгилик ва ўзгаришлардан бехабардирлар. Ваҳоланки, ўтказилган ўқув-семинарларда айнан шу мавзуларда атрофлича маълумотлар берилган эди.

Бир сўз билан айтганда, маҳалла институтининг жамиятдаги мавқеини янада ошириш ҳамда зиммасидаги вазифаларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан. Фуқаролар йиғинлари ходимларининг билим савияси, малака ва маҳоратини ошириб бориш, уларни кундалик воқеа-ҳодисалардан, ислоҳотлардан хабардор этиш эса, тизим фаолиятининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тошпўлат ҲАЙИТБОЕВ
«Mahalla»

МАҲСУЛОТИ МАШҲУР МАҲАЛЛА

# СИФАТЛИ, ФОЙДАЛИ ВА САМАРАЛИ



**Президентимиз раҳнамолигида аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, хусусан, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш, паррандачилик, асаларичилик ва балиқчиликни ривожлантириш, уларнинг озуқа захирасини мустаҳкамлаш, маҳсулдорликни ошириш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилаётган эътибор ўз самарасини бермоқда.**

Айниқса, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларига, жумладан, балиқчилик соҳасига янги технологиялар жалб этилаётгани катта ютуқларга омил бўлаётир.

Самарқанд вилоятида ҳам балиқчиликни ривожлантиришда хўжаликларга имтиёзли кредитлар бериш, янги ҳавзалар барпо этиш, уларни сув билан таъминлаш яхши йўлга қўйилган. Илгари балиқчилик хўжаликларига увулдириқ етказишда бироз муаммолар борлиги иш самарадорлигига жиддий путур етказарди. Айни пайтда шу ернинг ўзида сифатли ва сермаҳсул увулдириқ, чавоқ етиштириш яхши йўлга қўйилгани туфайли балиқчиликка ихтисослашган хўжаликлар тобора ривожланмоқда. Бу эса, аҳоли дастурхонини парҳезбоп маҳсулотлар билан тўлдиришга, кишиларни муқим иш билан банд этишга хизмат қилаётир.

Пахтачи туманидаги «Балиқ ал-Саид» фермер хўжалиги ўз тажрибалари, интилишлари, амалиётга янгиликлар жорий этиб, юқори натижаларга эришаётгани билан соҳадаги ҳар бир тадбиркорга ўрнак бўлиб келаётир. Замон билан ҳамнафас Дилшод Каримов балиқчиликни йўлга қўяр экан, бу соҳанинг ўзига яраша қийинчиликларидан чўчимади.

— Диёримиз табиати айни мўъжизанинг ўзи, — дейди у. — Балиқларнинг ўсиши учун муайян ҳарорат керак. Қуёшли кунлар қанчалик кўп бўлса, чавоқлар шунча тез каттаради. Заминимиз серқуёш. Сув ҳавзалари ҳарорати 7-8 ой давомида балиқ вегетацияси учун қулай. Бундай иқлим шароитида ҳар қандай ишлаб чиқариш ҳамда маҳсулотлар етиштиришни уддалаш мумкин. Бунинг учун кишида уқув, етарлича билим бўлса кифоя.

Тадбиркорнинг тўртта ҳовузида оқ амур, қора амур, дўнгпешона каби балиқ турлари парваришланаётир. Соҳага оид чуқур билимга эга тадбиркор қора амурлардаги ўзига хос жиҳатлардан дастлаб таажжубланди. Бунинг сабаблари бор. Асосан, Хитойдан келтириладиган амур балиқлари шароитимизга бемалол мослашиб кўпайиши, маҳсулдорликда етакчи экани соҳа ишбилармонларига сир эмас. Аммо қора амур личинкаларини тажрибадан ўтказаётган фермер уларнинг кўзлари ривожланмаётганидан хавотирланди. Бироқ бундай нуқсон маҳсулот сифати ва самарадорлигига зарар етказмади, балки «кўзи ожиз» амурлар бошқа балиқларга қараганда анча бўлиқ, вазни оғир бўлиб етишди.

— Интернетда хитойлик ҳамкорлар билан фикр алмашиб тураман, — дейди Дилшод Каримов. — Қора амурларнинг кўзи билан боғлиқ муаммони айтганимда, улар бундай қусур маҳсулот сифатига таъсир кўрсатмаслигини, балки кўзсиз балиқлар озуқани яхши ўзлаштириши, ҳатто сейсмик ўзгаришларни пайқашдаги сезгирлиги чандон юқорилиги ҳақида ахборот беришди.

Яна бир ташаббусимиз амалга ошиш арафасида. Гап шундаки, африка лаққаси энг ноёб балиқ турларидан, уни кўпайтириш учун йил-ўн икки ой сув ҳарорати илиқ бўлиши зарур. Шу боис қишки мавсумда махсус технология билан жиҳозланган ёпиқ бассейнларга эҳтиёж сезилади. Технология муаммоси туфайли африка лаққаларини кўпайтириш билан боғлиқ ниятларим амалга ошмаётганди. Яқинда Андижонда худди шундай қурилмалар ишлаб чиқараётган корхона борлигини эшитдим. Водийга бориб, корхона билан битим туздик, буюртма бердик. Айни пайтда тараддуд авжида. Насиб этса, 2014 йили илк нишонамиз — африка лаққа балиқлари халқимиз дастурхонини безайди.

Ишбилармоннинг нияти амалга ошса, маҳалла аҳли учун қўшимча имкониятлар ҳам юзага келади. Дарвоқе, умумий майдони 20,8 гектардан иборат «Балиқ ал-Саид» тумандаги «Бўстон» маҳалласи ҳудудида жойлашган. Унинг ютуқларида маҳалла аҳлининг ҳам ҳиссаси бор.

— Мустаҳкам оила йилида аҳолига 26 тоннадан зиёд парҳезбоп маҳсулот етказиб берган хўжаликда балиқхона ҳам ташкил қилинди, — дейди Пахтачи туманидаги «Бўстон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Усмон Ҳамроев. — Оила аъзоларидан ташқари, бўстонлик олти нафар кишининг муқим иш билан таъминланишига эришилди. Тадбиркорнинг жорий йилги мавсумда 40 тонна сифатли балиқ маҳсулоти етиштиришни ният қилганидан хабардормиз. Фонд бўлинмаси мутасаддилари, йиғинимиз фаоллари бундай тадбиркорлар сафини кенгайтириш мақсадида турли ёрдам кўрсатиб келаётир. Шу боис уч минг нафарга яқин «Бўстон» аҳлидан юз нафари бугун тадбиркорлик билан шуғулланмоқда. Келгусида бу кўрсаткич янада ортиши муқаррар.

Бундан ташқари, Д.Каримов кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотганлардан ёрдамини аямайди. Маҳалланинг байрамлар муносабати билан ёйиладиган тўкин дастурхонлари атрофига жамланганлар ҳар доим «Балиқ ал-Саид»нинг тотли маҳсулотларидан баҳраманд бўлишади.

Д.Каримов бугун хўжаликдаги ариқ, зовур, дамбаларни тозалаш, балиқларнинг кўпайиш даврига тайёргарлик кўриш билан банд. У маҳалладошларига балиқ овлашдаги муайян қонун-қоидаларни уқтиришдан чарчамайди. Сув ҳавзалари — табиат чиройи, уларни қўриқлаш, эҳтиётлаш зарур. Тадбиркор фаолиятида, ҳар қанча катта мақсадларни кўзламасин, ишга инсонийлик нуқтаи назаридан, талабчанлик билан ёндашади. Унинг ютуқларига шу каби эзгу фазилатлари ҳам омил бўлаётир, албатта.

Юлдуз ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

9 АПРЕЛЬ — СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

# АЗМУ ШИЖОАТ, МАРДЛИК ВА ДОНИШМАНДЛИК ТИМСОЛИ

< [1]

— Қишлоғимизнинг номи ислом олами алломаси Хожа Илғор ота билан боғлиқ. У кишининг номи ҳазрати Султон ота билан бирга тилга олинади, — дейди Яккабоғ тумани Хожа Илғор номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Қодиров. — Замондош тарихчиларнинг ёзишича, жаҳонгир бобомиз бизнинг қишлоқда туғилган. Бундан билиш мумкинки, қишлоғимиз XIII асрда ҳам маърифатпарвар уламо исми билан аталган. Айтилишича, Амир Темур қишлоғимиздаги Чиллабулоқ атрофида таваллуд топган экан. Истиқлол йилларида бу ерда боғ ташкил этилди. Бугун бу боғ бобомиз номи билан атаб келинмоқда.

Дунё тамаддунида катта ўзгариш ясаган салтанатнинг бунёд бўлишида алоҳида ўрин тутган жой номларидан бири Термиз шаҳри яқинидаги Биё қишлоғидир. Бу қишлоқ ҳудудида 1370 йилнинг кўкламида Соҳибқирон пири Саййид Баракадан темурийлар давлатининг рамзи ҳисобланган катта ноғора — табла билан туғ — байроқ қабул қилиб олади. Шубҳасиз, бу воқеа катта сиёсий аҳамиятга эга эди. Негаки, айни шу рамзлар остида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилади.

Шунингдек, Самарқанд шаҳрида ва унинг атрофидаги маҳалла ва қишлоқлар топонимикасида Амир Темур ва темурийлар даври билан боғлиқ жой номларини кўплаб келтириш мумкин. Шулардан Амир Темур қароргоҳи — Кўксаройда асосий давлат идоралари жойлашган эди. Сарой тўрт ошиёнли бўлиб, кўк кошинлар билан қопланган. У ердаги Кўк тош йирик параллелепипед шаклида ишланган ўйма нақшлар ва гулдор чизиқлар туширилган кулранг мармардан иборат.

Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Амир Темур Самарқанд атрофида қад кўтарган бир қанча янги қишлоқларга машҳур шаҳарлар номини берган. Миср (Қоҳира), Димишқ (Дамашқ), Султония, Шероз, Бағдод қишлоқлари шулар жумласидандир. Соҳибқирон бобомиз назарида Самарқанд катталиги, гўзаллиги ҳамда теварак-атрофнинг ободлиги жиҳатидан дунёнинг энг йирик шаҳарлардан ҳам устун турмоғи керак бўлган.

Бундан ташқари, касб-ҳунар билан боғлиқ жой номларига «Тўқимдўзи», «Сўзангарон» маҳаллаларини мисол келтириш мумкин. Маҳалла аҳолиси ўтмишда от абзали тикиш билан шуғулланган. Бу уларнинг ўз замонида мудофаага хизмат қилганини билдиради. Сўзангаронликлар эса, игна тайёрлаган. Форс тилида «сузангарон» сўзи игна усталари, деган маънони билдиради.

Самарқанд атрофидаги гўзал боғлар юртпарварлик белгисидир. Боғи Шамол, Боғи Баланд, Боғи Биҳишт, Боғи Нав, Боғи Чинор, Боғи Дилкушо, Боғи Бўлди, Боғи Зоғон, Боғи амирзода Шоҳруҳ, Боғи Давлатобод каби боғларнинг барпо этилишида уларнинг жуғрофий жойлашуви алоҳида ҳисобга олинган.

Буюк салтанат асосчиси Соҳибқирон юритган оқил сиёсат, улкан бунёдкорлик ишлари, мамлакатдаги тинч ва осуда ҳаёт ҳақида испан элчиси Клавихо ўзининг кундалигида ёзади. Шунингдек, у Самарқанд бозорларида буғдой ва гуручнинг мўллиги ва арзонлиги, ҳунармандчилик маҳсулотлари — атлас, кимхоб, ҳар хил ип ва жундан тўқима моллар, мўйнали ва ипак пўстинлар, атторлик, зираворлар ва дориворлар ҳамда бошқа молларнинг сероблигини ҳам таъкидлаб ўтади.

— Амир Темур нафақат буюк саркарда, балки заковатли давлат раҳбари, улкан бунёдкорликларнинг раҳнамосидир, — дейди халқаро Амир Темур жамғармаси бошқаруви раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Тўлқин Ҳайитов. — Соҳибқирон бунёд эттан салобатли иншоотлар, мақбара, мадрасалар ҳали-ҳамон шаҳарлар кўркига кўрк бағишлаб турибди. Албатта, бунёдкорлик ишлари тинч, осойишта элда ривож топади. У моҳир ташкилотчи сифатида йирик марказлашган давлатни бошқариш билан бирга, илм-фан, адабиётга ҳам тенгсиз ҳомийлик қилган. Шунингдек, элпарвар жаҳонгир ободончилик ишларига алоҳида эътибор қаратгани ҳам диққатга сазовор. Яқин кунларда жамғарма томонидан улуғ аждодимиз бунёд эттан Сирдарё қирғоғидаги қадим Шоҳрухия меъморий мажмуасига бир гуруҳ тарихчи олимлар ва ёшларнинг илмий экспедициясини уюштириш режалаштирилган.

Дарвоқе, қадимги жой номларини тиклаш аждодлар маънавий меросини авлодларга етказишдек ўта масъулиятли вазифадир. Мамлакатимизда бу борада мукаммал ҳуқуқий асос шакллантирилган. Хусусан, «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги қонун бу борада чора-тадбирларни самарали амалга оширишга имкон берадиган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатдир.

Халқимизнинг бой тарихи ва маданиятига оид жойлар номлари муҳофазаланади. Демак, маҳалла ва кўчаларимизнинг Соҳибқирон билан боғлиқ номлари қайта тикланаётгани унинг авлодларига муносиб ишдир. Бу эса, тарихий хотирасиз келажак йўқлигидан далолат.

Нурилла ЧОРИЕВ
«Mahalla»

МЕНИНГ МАҲАЛЛАМ

# ИСТИҚЛОЛ БАХШ ЭТГАН САОДАТ

**Юртимизда Наврўз шукуҳи кезиб юрган айни кунларда барча жойларда бўлгани каби, водийнинг маркази ҳисобланган сўлим Фарғона вилояти, шунингдек, бизнинг қишлоқдошларимизда ҳам байрамона кайфият ҳукмрон.**



Бугун қишлоғимизнинг ҳар бир гузари, ҳар бир хонадонида баҳорий янгиланиш руҳи бор. Ораста кўчалар, ариқларда шилдираб оқаётган зилол сув, оқланган теракларнинг йўл четида саф тортиб тургани ҳамда жажжи қўлларида бойчечак тутамлаганча югураётган болакайлар юзидаги шавқ-завқни кўрган кишининг кўнгли тоғдек ўсади.

Қишлоғимиз ўзининг сермаҳсул боғдорчилик хўжалиги ва деҳқончилиги билан вилоятимизда олдинги ўринларда туради.

Собиржон қишлоғига 2012 йили шаҳарча мақоми берилди. Бугунги кунда шаҳарчада 4000 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг турмуш шароити, яшаш тарзи, муаммоларию ютуқлари билан туман ҳокими Муҳаммадали Деҳқонов қизиқиб, қишлоқ фахрийлари ва ёшлари билан дилдан суҳбатлар ўтказиб туради.

Бундай пайтларда маҳалла фуқаролар йиғини раиси Одилжон Тошпўлатов ташаббус кўрсатиб, туман раҳбарига тадбиркорлик ишини бошламоқчи бўлган ёшларни, хайрли ишларга бош бўлаётган нуронийларни яқиндан таништиради. Эҳтиёжманд, ижтимоий ёрдамга муҳтож кишиларнинг муаммоларини айтади.

Бу йил Наврўз айёмига тайёргарликни одатдагидан барвақтроқ бошладик. Чунки водийга баҳор эрта келди. Шунинг учун йилбоши тадориги билан боғлиқ ҳашарларни февраль ойининг ўрталарида ўтказдик. Қишлоғимиз аҳолисининг аҳиллиги ва бирдамлиги боис, кўпчилик бўлиб ариқ-зовурлар тозаланди, ишкомлар, боғ-роғлар, дарахтзорлар тартибга келтирилди. Ҳут бошлангандан бери миришкор деҳқонларимиз далада: янги мавсумда мўл ҳосил олишдек эзгу ният билан баҳорги экинларни экишга ҳозирлик кўрмоқдалар. Ҳар бир хўжалик ўзига берилган ерлардан унумли фойдаланиб, деҳқончилик ишларига киришган, айримлари плёнка остидаги экинларни парваришламоқда.

Бундан ташқари, Собиржонда муқаддас қадамжолар, қабристонларни ҳашар йўли билан таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилаётир. Кўчаларга махсус чироқлар ўрнатилиб, ариқ ва зовурлар тозаланди. Шу кунларда қишлоқ тарихига оид музей ташкил этиш режалаштирилаётир.

Истиқлол йилларида қишлоғимиз қиёфаси тубдан ўзгарди. Замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган мактаб, болалар спорт мажмуаси, ўзининг кўркамлиги ва ўзбекона файзи билан алоҳида ажралиб турадиган турар-жой бинолари барпо этилди. Маҳалла гузарлари ва кўчалар ободонлаштирилди. Ҳар куни эрта тонгда кенг ва равон кўча бўйлаб маҳалла фуқаролар йиғини сари йўл олар эканман, йўлимда дуч келган ҳамқишлоғим билан салом-алик қилиш асносида унинг юзидаги мамнунликни кўриб истиқлол бахш эттан умр саодатига ич-ичдан шукрона айтаман.

Агар Фарғонага йўлингиз тушса, албатта, бизнинг Собиржонга ҳам келинг! Юзларида Наврўз шукуҳи балқиган очиқчеҳра, меҳмондўст кишилар куйлаган ўлан, лапарларни эшитиб, дилингиз ором олади.

**Ҳамиджон ОМОНОВ.**
**Фарғона вилояти**
**Учкўприк тумани**
**Собиржон шаҳарчаси.**

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА

# ҲАР ЛАҲЗАДА ҲУШЁРЛИК ЗАРУР

**Баҳор — янгиланиш, яшариш фасли. Бу фаслда табиат уйғонади, миришкор деҳқонлар ерга барака уруғини қадайдилар. Серёғин кунларда турли экинлар майсалари ниш урадики, бу дастурхонлар тўкинлиги, ризқ-рўз бутунлигидан нишона.**

Аммо ёғингарчилик ҳолатларида турли табиий ва техноген хавфлар юзага келиши мумкин. Юртимизнинг тоғли ва тоғолди ҳудудларида қор эриши ҳамда ёғингарчиликнинг мўл бўлиши сел-тошқин ҳолатларини юзага келтиради. Бундай вазиятларда ҳамиша тайёр бўлмоқ ва ҳушёрликни йўқотмаслик зарур.

Аҳоли тинчлиги ва мол-мулки дахлсизлигини таъминлаш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамкорлигида фуқаролар йиғинлари фаоллари иштирокида ўқув-тактик семинарлар ташкил этмоқда.

— Фуқаролар йиғинларида сел-тошқин ва кўчки хавфи билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар юзага келганда керакли чораларни кўриш бўйича 7890 та маҳаллада 9347 марта тарғибот-ташвиқот тадбири уюштирилди. Ўтказилган тадбирларга 416145 нафар аҳоли жалб этилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви бош мутахассиси Азамат Зоҳидов. — Тоғ ва тоғолди, кўчки хавфи мавжуд ҳудудларда жойлашган 528 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи 836239 нафар аҳолини хавфсиз ҳудудларга кўчириш бўйича маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда якка тартибдаги тушунтириш ишлари олиб борилди. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври давомида 49772 нафар аҳоли ана шундай тадбирларда иштирок этди.

Фонднинг ҳудудий бўлинмалари томонидан «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмалари қошида кўнгилли қутқарув гуруҳлари ташкил этишга кўмаклашилаётир. Ҳозиргача маҳаллаларда 3544 та ана шундай гуруҳ ташкил этилиб, уларга ҳудуддаги 76588 нафар киши жалб этилди.

Бинобарин, табиий ҳамда техноген хавфи мавжуд ҳудудларда истиқомат қилаётган одамлар кучи ва техника воситаларининг биргаликдаги ҳаракатини такомиллаштириш, шунингдек, сел-тошқин сувнинг дарёлар, сойлар, канал ва ўзанлардан хавфсиз ўтишини таъминлаш жуда муҳим. Бунинг учун қирғоқларни мустаҳкамлаш талаб этилади. Қолаверса, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бошқармалари билан ҳамкорликда ташкил этиладиган махсус тактик-ўқув машқларига аҳолини мунтазам жалб этиб бориш ҳам ўз самарасини беради.



Табиий ва техноген хавфларга шай туриш лозим. Бефарқлик салбий оқибатларга олиб келиши муқаррар. Зеро, ота-боболаримиз: «Ўт балоси, сув балосидан асрасин», деб бежиз айтишмаган.

Баҳодир ҲАЛИМОВ
«Mahalla»

ОБОДОНЛАШТИРИШ ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

# Боғ яратиш, кўчат экиш ишқида

**«Обод турмуш йили» Давлат дастури асосида Арнасой туманидаги «Тошкент» маҳалласида бир гектарга яқин майдонда янги боғ яратилди.**

Маҳалла фаоллари иштирокида яратилган янги боғга 300 тупга яқин мевали дарахт кўчати экилди.

— Бу йилги кўкаламзорлаштириш мавсуми туманимиздаги барча маҳалла ва қишлоқларда кўтаринкилик билан ўтаётир, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси раиси Исоқ Аввалбоев. — Кўкаламзорлаштириш, боғ яратишда маҳалла фаоллари намуна бўлишмоқда. Уларнинг ташаббуси билан ҳовлиларда ва жамоат жойларида бир қарич ҳам бўш жой қолдирмай кўчат экишга, кўкаламзорлаштиришга ҳаракат қилинаётир. Йўл четларига, кўчаларга, жамоат жойларига беш минг тупдан ортиқ турли мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Шунингдек, кўкаламзорлаштириш ишлари давомида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ўз ҳисобидан фуқаролар йиғинларига 1 минг 393 туп манзарали, 2 минг 309 туп мевали дарахт, 1 минг 766 туп гул кўчати олиб берди. Шу ҳисобдан ҳар бир фуқаролар йиғини идораси атрофига ўрта ҳисобда 50 тупдан дарахт кўчати экилди. Бу ишга Фонднинг вилоят бўлими ҳисобидан 28 миллион 650 минг сўм маблағ сарфланди. Боғ яратиш, кўчат экиш ишларида ҳомийлар, корхона ва муассаса жамоалари ҳам фаол иштирок этаётир.

Бек НАЗАР
«Mahalla»

СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШМОҚДА?

# ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ФАРОВОНЛИК ГАРОВИ

**Термиз шаҳридаги «Жайҳун» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зоир Рашидов 1-хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Ботир Азимқулов билан ҳашарни ташкиллаштириш борасида маслаҳатлашиб турганида 1-кўпқаватли уйда яшовчи Илҳомжон Раҳмонов ширкат раисини йўқлаб келиб қолди.**

— Ҳа, Илҳомжон, тинчликми? — деди Ботир Азимқулов.

— Қўшнимиз томга сув тўлдириладиган катта идиш ўрнатган. Ҳар гал жўмракни очганида, уйимизга чакки ўтяпти. Бир неча бор огоҳлантирдим, бироқ у парво қилмаяпти. Ўзингиз аралашмасангиз бўлмайди, шекилли, — деди у.

— Бу муаммони ҳал этамиз, — дея ширкат раиси Зоир Рашидовга юзланди. — Қувурлар яроқсиз ҳолга келиб қолган, шу боис тўртинчи қаватга сув чиқмаяпти. Шунинг учун айримлар томга сув тўлдириладиган идиш қўйиб олишган.

— Қувурларни зудлик билан алмаштирмаса бўлмайди, — деди раис. — Сиз ишни бошлайверинг. Ҳомийларни ўзимиз жалб қиламиз.

Термиз шаҳридаги «Жайҳун» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида олтита хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати фаолият юритади. Ҳудуддаги 27 та кўпқаватли уйда 5562 нафар аҳоли истиқомат қилади.

— Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан доим ҳамкорликда ишлаймиз, — дейди йиғин раиси З. Рашидов. — Ширкатларга тажрибали, тадбиркор ва ташаббускор кишилар раис этиб сайланган. Улар уйларни таъмирлаш, иситиш ва аҳолини сув, газ, электр энергияси билан таъминлаш, чиқиндиларни ўз вақтида олиб чиқиб кетиш, кўпқаватли уйлар ертўлаларини тоза сақлаш, бинолар атрофини ободонлаштириш ишлари билан шуғулланмоқдалар. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига уй бошилар кўмакчи.

Ҳудудда умумхалқ байрамлари, «Энг ибратли хонадон», «Энг намунали кўча» каби тадбирлар ўтказиб келинаётгани кўпчиликка яхшигина сабоқ бўляпти. «Жайҳун» маҳалла фуқаролар йиғини Термиз шаҳридаги энг ибратли йиғинлар қаторида тилга олинишининг боиси ҳам шунда. Биноларнинг ташқи кўриниши эътиборни тортадиган даражада кўркам. Маҳалладаги уй-жой ширкатларининг саъй-ҳаракати билан кўпқаватли бинолар жорий таъмирдан чиқарилди, эскирган сув ва канализация қувурлари алмаштирилди.

— Ишимизда айрим камчиликлар йўқ эмас, — дейди 1-уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Б.Азимқулов. — Ўзаро шартномалар мавжудлигига қарамай, коммунал тўловларнинг вақтида тўланмаётгани қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Ширкат бадали тўловлари ҳам ўз вақтида кирим бўлмаяпти. Бу масалада назорат ва ташкилий ишларни кучайтиришга эътиборни қаратяпмиз, маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари билан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боряпмиз. Шу йилнинг биринчи чораги давомида қирқ марта суҳбат ўтказдик. Бу мулоқотлар ўз самарасини бериши тайин.

Обод турмуш йилида шаҳар ва қишлоқларимизни янада ободонлаштириш, аҳоли турмуш маданиятини юксалтириш энг муҳим ишлардан. Масъулиятни ҳис эттан маҳалла ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳамкорликда муайян ютуқларга эришмоқда. Термиз шаҳридаги «Жайҳун» маҳалла фуқаролар йиғини ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти бунинг ёрқин исботидир.



М.АЗИМОВ
«Mahalla»

МАҲАЛЛАМИЗ ЧЕМПИОНЛАРИ

# БАРЧИНОЙЛАР – ФАХРИМИЗ, СУЯНЧИМИЗ



< [1]

Мафтуна Эсонова — миллий кураш бўйича Ўзбекистон чемпиони, Осиё чемпионатининг кумуш, жаҳон биринчилигининг бронза медали соҳибаси. У Кармана туманидаги Маликработ қишлоқ фуқаролар йиғинининг «Сардоба» маҳалласида яшайди. Навоий давлат педагогика институтининг жисмоний тарбия факультети талабаси.

Оиласида бирин-кетин беш қизалоқ туғилган Мансур ака баъзиларга ўхшаб бундан ранжиб ўтирмади, аксинча, қизларини тақдирнинг буюк инъоми сифатида қадрлади, уларнинг келажакда етук инсонлар бўлиб улғайиши учун бор кучини аямади, дилбандларининг қобилияти ва қизиқишини қўллаб-қувватлади. Кенжа қизи Мафтунанинг ўғил болаларга хос ғайрати, чайирлигини кўриб, бўш вақтларида қўлидан келганча уни чиниқтира бошлади. Сабрнинг мукофоти борлиги рост экан, эркакча феълли қиздан кейин хонадонда ўғил фарзанд дунёга келди.

— Мафтунани укаси билан қишлоғимиздаги 27-умумтаълим мактабида ташкил этилган кураш тўгарагига бирга олиб борганман, — дейди қизининг муваффақиятларидан мамнун Мансур Эсонов. — Улардаги курашга бўлган қизиқишни кўриб, иккаласини Навоий шаҳридаги кураш турларига ихтисослаштирилган вилоят болалар ва ўсмирлар спорт мактабига олиб бордим.

Бу ердаги машғулотлар, изланишу интилишлар Мафтунага кетма-кет муваффақиятлар туҳфа этди. Дастлаб у 2011 йили Тошкент шаҳрида эркин кураш бўйича 1991-1993 йилларда туғилган ўсмир қизлар ўртасида ташкил этилган Ўзбекистон чемпионатида биринчи ўринни қўлга киритди. Бу ғалаба унга келажакдаги ютуқлари учун пойдевор бўлди.

Шундан сўнг, Мафтуна ўз устида жиддий ишлай бошлади. Мураббийлари берган кўрсатмаларни вақтида бажарди. Айниқса, узоқ масофага кросс югуриш машқлари унинг иродасини тоблади, қўшимча машғулотлар ўзига бўлган ишончни янада орттирди. Мазкур тайёргарликлар уни 2011 йилнинг 6-8 май кунлари Навоий шаҳрида юнон-рум ва эркин кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб ўтказилган III турнирда иккинчи ўринга олиб чиқди. Шунингдек, 2011 йил Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида иккинчи ва «Самбо жаҳон юлдузлари» мусобақасида учинчи ўринларни қўлга киритди. 2012 йил ҳам қаҳрамонимиз учун муваффақиятли келди: Ашхобод шаҳрида ташкил этилган Ўрта Осиё чемпионатида биринчи ўрин соҳибаси бўлди.

— Мафтуна топшириқларни ўз вақтида бажаради, масъулиятнинг юкини тўла ҳис эта олади, — дейди кураш турларига ихтисослаштирилган вилоят болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори, чемпион қизнинг устози Тўймурод Адизов. — Шунинг учун ҳам у қўлга киритган натижалар эътирофга арзийди. У фақат мусобақалар олдидангина эмас, балки доимий равишда машғулотларга фаол қатнашади. Мафтунадаги қатъият, ирода ҳамда топшириқларни ўз вақтида бажариши эришган ютуқларининг гаровидир. Келажакда шогирдимнинг бундан-да юқори чўққиларни забт этишига ишонаман.

Жорий йил февралида Мафтуна Жиззахда ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида иккинчи бор мамлакат чемпионлигини қўлга киритди.

— Бу ютуғим мен учун жуда қадрли, — дейди курашчи қиз. — Чунки унда ғолиб бўлиш осон кечмаган, рақибим анчайин кучли эди, яхшигина жароҳат ҳам олгандим. Шу боис март ойида Туркманистонда бўлиб ўтган самбо кураши бўйича Марказий Осиё чемпионатига кўнгилдагидек тайёрлана олмадим. Бу мусобақада 3-ўрин билан чекландим. Бироқ баъзида мағлубият ҳам спортчини тарбиялайди. Мен мазкур чемпионатда ўзим аввал билмаган усулларни ўргандим.

Дарвоқе, Мафтуна ҳамиша изланишда. У айни пайтда ўз маҳалласида ташкил этилган кураш тўгарагини бошқаради. 80 нафар ўғил бола, 20 нафар қиз иштирок этаётган машғулотлар ҳам унинг учун яна бир тажриба мактаби.

— Маҳалламизда болалар спортини ривожлантириш учун астойдил ҳаракат қиляпмиз, — дейди фуқаролар йиғини раиси Шуҳрат Ҳамроев. — Курашдан ташқари, футбол, баскетбол, волейбол ҳамда стол теннисИ тўгараклари ҳам мавжуд. Мазкур тўгаракларнинг мунтазам иш олиб боришида ҳудудимиздаги 27- ҳамда 28-умумтаълим мактаблари жамоаси бизга яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Мафтуна Эсонова эса фахримиз ва суянчимиздир.

Ҳа, мардларга ишонса, суянса, улар билан фахрланса арзийди. Оддийгина қишлоқ қизининг ана шундай юксак туйғуларга муносиблиги таҳсинга сазовор, албатта.

Холбиби САФАРОВА
«Mahalla»




## Бино қулаб тушди

☑ **Танзаниянинг Дар ас-Салом шаҳрида қурилаётган 12 қаватли бино қулаши оқибатида ишчилар ҳалок бўлди. Қурбонлар сони 29 кишига етди.**



Гувоҳларнинг сўзларига қараганда, ҳалокат пайтида бинода ўнлаб ишчилар бўлган.

Ҳукумат вакилларининг хабар беришича, ҳозирча вайроналар остидан 27 киши ва икки нафар боланинг жасади топилган. Қурбонлар сони яна ошиши мумкин.

«France-Presse» ахборот агентлигининг хабар беришича, вайроналар остидан 18 киши қутқариб олинган. Қидирув-қутқарув ишларига техникалар сафарбар этилган.

## Номутаносиблик туфайли

☑ **Сайёрамизда яшаётган судралиб юрувчи ҳайвонларнинг бешдан бир қисми одатий яшаш шароити ўзгаргани боис қирилиб кетиш хавфи остида.**



Бу ҳақда Лондон зоология жамияти тадқиқотлари натижалари маълумот бермоқда, дейилади «Итар-ТАСС» ахборот агентлиги хабарида.

Табиатдаги номутаносибликлар ана шундай хавфни келтириб чиқараётир.

## Қорли апрель

☑ **Польшада ёққан кучли қор юзлаб аҳоли пунктларида электр таъминотини издан чиқарди.**



Оқибатда 100 мингдан ортиқ оила электрсиз қолди, дея хабар беради «TVN24» телеканали.

Энг кўп талафот кўрган ҳудуд Польша шарқида жойлашган Мазовецкийдир. Бу ерда икки мингдан зиёд станциялар ўчирилган, ҳудуднинг 70 мингдан ортиқ аҳолиси электрсиз қолган. Ушбу ноқулайликлар ҳозирда авария бригадалари томонидан бартараф этилмоқда.

Синоптиклар мамлакатнинг яна бир қатор ҳудудларида кучли қор ёғишини ва ушбу давр учун ноодатий бўлган қиш ҳавоси Польшада апрель ойининг ўрталаригача сақланиб қолишини маълум қилишган.

## Тез ҳайдаш оқибати

☑ **АҚШнинг Виржиния штатидаги автомобиллар тезюрар трассасида йирик йўл ҳалокати юз берди, дейилади «Reuters» ахборот агентлиги хабарида.**



Бу ерда бир пайтнинг ўзида 80 та автомобиль бир-бири билан тўқнашиб кеттан. Оқибатда уч киши вафот этиб, 20 нафар киши жароҳатланган.

Тез тиббий ёрдам машиналари ҳамда вертолётлар жабрланганларни яқин орадаги шифохоналарга етказишди. Автоҳалокат юз берган Кана ва Фэнси Гэп аҳоли пунктларини боғлаб турувчи трассада ҳаракат тўхтатилган.

Ушбу транспорт ҳодисасига қуюқ туман, ёғингарчилик ҳамда автомобилни тез бошқариш сабаб бўлгани тахмин қилинмоқда.

Интернет маълумотлари асосида
Н.ЮНУСОВА тайёрлади.

СПОРТ

Шахмат

## Ҳамюртларимиз пешқадам

☑ **Бирлашган Араб Амирликларининг Шаржа шаҳрида ёшлар ўртасида шахмат бўйича Осиё чемпионати давом этмоқда.**



Унда ҳамюртимиз Сарвиноз Қурбонбоева бешинчи турда қирғизистонлик Айжаркин Чингиз қизини қора доналарда мот қилди.

Истеъдодли шахматчимиз беш имкониятдан 3,5 очко жамғарган ҳолда пешқадамлар сафида бормоқда.

Бокс

## Кумуш медаль нақд



☑ **Брест шаҳрида ўтказилган Беларусь очиқ кубоги мусобақасида ўнга яқин давлатдан келган кучли боксчилар ўзаро куч синашди.**

52 килограмм вазн тоифасида ёш боксчимиз Алишер Маҳмудов мезбонлар вакили Сергей Лобан ва россиялик Боро Эрдинеевни бир хил — 5:0 ҳисобида енгиб, кумуш медални қўлга киритди.

Футбол

## «Севинч»нинг ғалабаси

☑ **Москва шаҳрида футбол бўйича қизлар ўртасидаги «Чертанова кубоги» халқаро турнирида Қаршининг «Севинч» жамоаси кумуш медални қўлга киритди.**



Мусобақада олти жамоа бир даврали тизимда ўзаро тўп сурди. 2000 йилда туғилган қизлардан таркиб топган «Севинч» жамоаси дастлабки учрашувда Москва шаҳри шарафини ҳимоя қилган «Чертанова — 2000» футболчилари билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнади.

Тажрибали мураббий Баҳром Норсафаровнинг шогирдлари қолган барча учрашувда ҳужумкор ўйин кўрсатиб, «Чертанова — 2001»ни 3:0, Москва шаҳри терма жамоасини 2:0, Москва вилоятининг «Приалит» клуби вакилларини 13:0, Пермнинг «Звезда» жамоасини 10:0 ҳисобида енгди.

Якунда «Севинч» ва «Чертанова — 2000» жамоалари ўн учтадан очко жамғарди. Тўплар нисбатига кўра, мезбонлар биринчи, «Севинч» футболчилари эса иккинчи ўринни эгаллади. «Севинч» вакиласи Умида Бурҳонова мусобақанинг «Энг яхши ўйинчиси» деб топилди.

ЭЪЛОН

«TADBIRKOR-AS» хусусий корхонасининг 2013 йил 4 март № 01-сонли қарорига асосан, «TADBIRKOR-AS» хусусий корхонаси (стир 203333930) ўз фаолиятини тугатмоқда. Шу муносабат билан барча даъво ва эътирозлар бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Телефон: (+99890) 948-73-55, (+99890) 948-91-46.

НАВРЎЗ ШУКУҲИ

# КЎКЛАМГА ВА КЎНГИЛГА УЙҒУНЛАШГАН



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

**Ўлкамизда ҳали-ҳамон Наврўз шукуҳи кезиб юрибди. Одамлардаги кўтаринки кайфият, байрамона руҳ юртимизнинг турли маҳаллаларида ўтказилаётган Наврўз, сумалак сайилларида янада яққолроқ намоён бўлаётир.**

Ана шундай шодиёналардан бири пойтахтимизнинг Яккасарой тумани Юнус Ражабий номидаги маҳаллада бўлиб ўтди.

Бу маҳаллада 5 минг нафардан зиёд аҳоли тинч-тотув истиқомат қилиб келаётир. Шундан 22 та кам таъминланган оилага маҳалла йиғини ҳар доим кўмак бериб туради. Маҳалладаги Наврўз шодиёнаси 2 нафар ана шундай оила фарзандларининг суннат тўйларига уланиб кетгани ҳам йиғиннинг кўмакка эҳтиёжмандларга доимий эътиборидан далолат. Тўйболаларнинг кўзларидаги қувонч, хурсандчилик халқимизнинг бағрикенглик, инсонпарварлик каби эзгу фазилатларини яна бир бор намоён этди.

— Кўклам келиши билан кўча ва маҳаллаларда ободончилик ишлари, ҳашарлар ўтказиш халқимизнинг эзгу анъаналаридан, — дейди йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Муаззам Ҳасанова. — Бугунги тадбирни ўтказишдан аввал ҳудудимизни тозалаб, янада обод қилдик. Мана, энди саранжом-саришта гузарда байрамни бошлаб юбордик. Тадбир харажатларини маҳалла ва ҳомийлар ўз зиммасига олишди.

Байрам куй-қўшиқлар, ажойиб рақслар билан гўзал. Йиғинда ташкил қилинган «Ораста қизлар» даврасининг чиқишлари барчага хурсандчилик улашди. Бундан ташқари, тадбирга таниқли санъат усталарининг ташриф буюргани, улар ижросидаги қўшиқ ва саҳна кўринишларининг намойиш этилгани йиғилганларда ажойиб таассурот қолдирди.

Тадбирда кам таъминланган, ёлғиз, жисмоний имконияти чекланган кишиларга совғалар улашилди. Нуроний отахон-онахонлар қўлларини дуога очиб, юртимиздаги тинчлик, осойишталикка шукроналар айтишди.

Марҳабо
НОРМУРОДОВА.

ТЕАТР

## Янги спектакль намойиши

☑ **Воҳа маънавияти, маданияти ривожига самарали ҳисса қўшиб келаётган Хоразм вилояти давлат қўғирчоқ театри жамоаси Хива шаҳридаги «Янги ҳаёт» маҳалласида «Бобо ва набира» номли янги спектаклини намойиш этди.**

Бундан болажонлар ҳам, уларнинг ота-оналари ҳам беҳиҳоя хурсанд бўлишди.

— Эндиликда вилоятимиз маҳаллаларига ижодий сафарлар уюштириб, янги спектаклларимизни бевосита намойиш қилишни бошладик, — дейди театр раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Давронбек Отабоев. — Театримиз дастуридан ўрин олган «Жалолиддин тулпори». «Олтин бешик», «Паҳлавон Маҳмуд қиссаси», «Ҳунарли унар», «Маҳаллам — отам, маҳаллам — онам», «Мозийдан садо» каби спектаклларда мардлик, ватанпарварлик, инсонийлик туйғулари тараннум этилади. Хорижий мамлакатларнинг қўғирчоқ театрлари билан ижодий ҳамкорликни йўлга қўйдик. Германиянинг Дармштадт шаҳри қўғирчоқ театри билан биргаликда «Минг бир кеча» туркумидаги Шарқ эртаклари асосида саҳна асари тайёрладик.

Маҳаллалар аҳли бундай томошаларни хушнудлик билан кутиб олишяпти.

Абдулла САФОЕВ
«Mahalla»

САНЪАТ

# ИСТЕЪДОД БЎЙ КЎРСАТАР ДОИМ

**Чирчиқ шаҳрида жойлашган Ҳамза номидаги 7-болалар мусиқа ва санъат мактабида VII «Олтин ҳалқа» ва «Баҳор тасаввури» халқаро фестивалларида иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритган бир гуруҳ ўқувчиларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

Унда Халқ таълим вазирлиги, Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Чирчиқ шаҳар бўлинмаси вакиллари, шунингдек, ота-оналар ва маҳалла фаоллари қатнашдилар.

— Бугунги кунда мактабимизда хореография, фортепьяно, тасвирий ва амалий санъат, гитара, баян-аккордеон, эстрада ижрочилиги, торли-камонли чолғулар йўналишлари бўйича 417 нафар ўқувчи санъат сирларини малакали мутахассислардан ўрганмоқда, — дейди мактаб директори Г.Нурматова. — Мамлакатимизда баркамол авлодни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг иқтидорини юзага чиқариш мақсадида ўтказилаётган турли танловларда нуфузли ўринлар қўлга киритилмоқда. Франция, Россия, Озарбойжон, Италияда ўзбек санъати намойиш этилмоқда.

Жорий йилнинг 25-29 март кунлари Россияда ўтган VII «Олтин ҳалқа» ва «Баҳор тасаввури» халқаро фестивалларида фортепьяно йўналишида мактабнинг 1-синф ўқувчиси Темур Мираҳмедов ва 4-синф ўқувчиси Елена Гурчина диплом билан тақдирланган бўлса, эстрада ижрочилиги йўналишида қатнашган Ленира Зокирова 3-ўринни қўлга киритди. Шунингдек, тасвирий ва амалий санъат йўналиши бўйича Шаҳло Муҳамматова, эстрада ижрочилиги йўналишида Анастасия Югай ҳамда «Шодлик» гуруҳи биринчи ўринларга лойиқ топилди.

Болалар қўлга киритган бундай улкан натижаларни мамлакатимизда таълим-тарбияга қаратилган катта эътибор натижаси, десак янглишмаган бўламиз.



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

— Ушбу таълим муассасаси билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келамиз, — дейди ҳудуддаги «Ишонч» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдусодиқ Исмоилов. — Болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун йиғин қошида иккита мусиқа тўгарагини ташкил этдик. Уларда ҳозир эллик нафарга яқин бола миллий чолғу асбоблари ижросини ўрганишмоқда. Бу эса, маҳаллада турли маънавий-маърифий кечалар, байрам тадбирларини ўтказишимизда бизга қўл келмоқда.

Тадбирда ўқувчиларга ва уларнинг устозларига мутасадди ташкилотлар томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди. Кечага ғолибларнинг куй ва қўшиқлари файз бағишлади.

Нурилла ЧОРИЕВ
«Mahalla»

Mahalla
ижтимоий-сиёсий ва маърифий газета

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 6 декабрда 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
236-53-93 233-10-73
236-53-75 236-57-62
Факс: 233-39-89

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2, 4 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Т.Низомов
Нашр навбатчиси: Н.Ҳайдаров
Нашр кўрсаткичи: 148

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.

23690 нусхада чоп этилди. Буюртма J-6827 Топшириш вақти — 21.30 Топширилди — 22.00